

**“ВІОКІМУО” акциядорлик жамияти корпоратив маслаҳатчининг жамиятнинг  
2020 йил якуни бўйича корпоратив қонунчилигига риоя этилиши юзасидан  
кузатув кенгаши олдидаги  
ҲИСОБОТИ**

**2021 йил 1 январь**

**Тошкент шахри**

“ВІОКІМУО” АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг 28 июнь 2016 йилдаги қарори билан жамият томонидан 2016 йил 28 июндан бошлаб, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинган.

Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари ва ички локал ҳужжатлари уч тилда, яъни ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлаб чиқилган ва жамиятнинг расмий сайтида жойлаштирилган.

Ишлаб чиқилган ички ҳужжатлар яъни, «ВІОКІМУО» aksiyadorlik jamiyatining (янги таҳридаги) Устави, корпоратив ички ҳужжатлари ва ички идоравий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 3 июндаги ЎРК-387 билан тасдиқланган “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Жорий йил давомида кузатув кенгашининг ўн еттита 10-17 ва 1-10 сонли йиғилишлари бўлиб, йиғилиш кун тартибда қуйидаги масалалар кўрилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган:

- Жамият ички аудит хизматининг 2020 йил харажатларининг сметасини тасдиқлаш ва ходимларини аттестациядан ўтказиш.

- Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботини Бухгалтерия ҳисоботи миллий стандартлари (БҲМС) форматидан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га трансформациялаш, уни Халқаро аудит стандартлари (ХАС)га мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш ва 2020 йил молия хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танлови тўғрисида.

- Жамиятнинг 2020 йил корпоратив бошқарув тизимини чораклик мустақил баҳолашини ўтказиш ва СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг профессионал консалтинг хизматларини кўрсатиш масаласи

- Жамиятнинг Рўйхатдаги мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун ҳолис баҳоловчи ташкилот жалб этиш ва уларнинг ҳисоботи навбатдаги йиғилишда мол-мулкнинг бозор қийматини белгилаш.

- Тошкент кимё-технология институтининг 2020 йил 11 февралдаги 1/01-259-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин ва “Виночилик технологияси ва саноат узумчилиги” факультетининг моддий ва техник базасини яратиш учун махсус цехларни жойлаштириш ва эксплуатация қилиш учун жой ва биноларни таъмирлаш ишларига моддий ёрдам сифатида **10 (ўн) млн.сўм** ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш.

- “ВІОКІМУО” АЖнинг 2020 йилда ишлаб чиқаришини модернизация ва реконструкция қилиш комплекс чора-тадбирлари”ни тасдиқлаш.

- Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил 29 ноябрдаги 8-сонли йиғилишида маъқулланган “ВІОКІМУО” АЖнинг 2020 йил учун бизнес-режа лойиҳасини кўриб чиқиш ва жамият фаолиятининг СМК прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш.

- Жамият ижроия органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари лавозимига танлов ўтказиш.

- “Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖ нинг 2020 йил 4 мартдаги 01-10-06/20-сонли хати ҳамда боғзор ва узумзорларнинг мол-мулкни такроран аукцион савдоларга чиқариш масаласи муҳокамаси.

- Кузатув кенгашининг 2020 йил 18 февралдаги 11-сонли йиғилиш қарори ижроси юзасидан буғ қозонхона асбоб-ускуналарининг бозор қиймати тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида.

- Хомийлик ёрдами бўйича мурожаат қилинган хатлар муҳокамаси, жумладан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида Янгийўл шаҳар ҳокимининг ижроия маҳкамаси томонидан берилган рўйхатдаги 300 оила аъзолари бўлган юзта оила хонадонларига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишлари учун жами 129.34 млн.сўм хомийлик ёрдами, . Бухоро вилоятидаги табиий офатдан ва Сирдарё вилоятидаги сув омборининг тошиши туфайли зарар кўрган аҳолига моддий кўмак ва инсонпарварлик ёрдамини бериш мақсадида 150 (юз эллик) млн.сўм ажратишга розилик берилган.

- Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритиш бўйича ва жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва миноритар кўмитаси таркибига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги таклифлари муҳокамаси.

- Жамиятнинг чораклар кесимида барча йўналишлар бўйича ҳисоботлари эшитилди.

- “ВЮКИМУО” АЖ нинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режаси” танқидий қайта кўриб чиқилиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган

- Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботи дастлабки тарзда тасдиқланган ва соф фойдасини тақсимлаш масалалри кўриб чиқилган.

- Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш бўйича қарорлар қабул қилинган.

- Жамиятнинг жисмоний ва маънавий эскирган автотранспорт воситалар ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш цехларидаги фойдаланилмайдиган ва сотилиши мақсадга мувофиқ бўлган катта ҳажмли маҳсус идиш, сиғим ва ускуналарни сотишга розилик берилди.

Жамият томонидан амалга оширилаётган инвестициявий ва қурилиш лойиҳалари режалаштирилган муддатларда ва молиялаштириш манбалари мавжуд ҳолда амалга оширилаётганлиги, ижтимоий-иқтисодий мақсадларга мувофиқлиги ва амалга оширилиши бўйича қарорлар қабул қилинди.

2020 йил пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш учун 261,0 млн.сўмгача бўлган маблағни хомийлик сифатида ажратишга розилик берилди.

Жамият ички аудит хизмати ходимлари аттестациядан ўтказилди.

- Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режаси маъқулланди.

- Жамиятнинг “Янгийўл туман, Гулбахор МФЙдаги “Саноат коллектори”дан узунлиги 8 км бўлган газ қувури магистралини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш ва банкдан кредит олиш, мол-мулкни гаровга қўйиш масаласи муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди

- Жамият ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган ёрдамчи материалларни импорт орқали амалга ошириш масаласи

- **“ВЮКИМУО” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”** ги низомнинг янги таҳрири маъқулланди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида тасдиқлаш учун тавсия қилинди;

- Жамият ижроия органи аъзолари билан тузиладиган ёллаш тўғрисидаги шартноманинг ўзгартиришлар киритилди;

- Жамият акциядорларининг 2016 йил якуни бўйича ҳисобланган талаб қилиб олинмаган ва даъво қилиш муддати жорий йилнинг 1 сентябрда тугаганлиги сабабли дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилди.

- “ВЮКИМУО” АЖнинг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилди.

Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича жами 12.073 млрд.сўм дивиденд тўловлари амалга оширилган.

Жорий йил давомида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш жамият харид комиссиясининг қарорига кўра “NAYMON INVEST CONSULTING” МЧЖ билан жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича шартнома тузилган ва улар томонидан амалга оширилган. Баҳолашнинг якунлари бўйича:

2020 йил 15 февралдаги № 04/20- сонли хулосасига кўра “ВЮКИМУО” акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизими “ЮҚОРИ” баҳоланиб, жами 1 200 баллдан 1 102 баллга баҳоланиб, фоиз кўрсаткичи **91,83 %ни** ташкил этиши аниқланган.

Жамият Кузатув кенгаши йиғилишларига таёргарлик кўриш, чақириш ва йиғилиш ўтказиш тартиби, акциядорлар ва кузатув кенгаши, умумий йиғилишлари қарорларини ижроси ҳамда дивидендларни тўлаш тартибларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланмади.

Шунингдек, жамият акциядорлари томонидан корпоратив низолар юзасидан жамият бошқарув органлари фаолияти бўйича шикоят ва аризалар билан мурожаат қилинмаган.

Жамиятнинг 2021 йилдан бошлаб Осиё тарққиёт банки экспертлари иштирокида ишлаб чиқарилган корпоратив бошқарув қоидаларини жорий этиш тавсия қилинди.

**Жамият корпоратив  
маслаҳатчиси**

**Б.Суюнов**